



“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “1” декабрдаги
13-сонли баённомаси билан**



**“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банкининг
2023 йил учун**

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1. 2023 ЙИЛГИ БАНК СТРАТЕГИЯСИ

2. БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3. БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тижорат ва инвестицион кредитлаш фаолияти

3.2. Давлат дастурлари ва ижтимоий дастурлар доирасидаги кредитлаш фаолияти

3.3. Кредит портфелининг сифати ва муаммоли кредитлар билан ишлаш

4. БАНК КАПИТАЛЛАШУВИНИ ОШИРИШ ВА РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАХКАМЛАШ

4.1. Банкнинг ресурс базасини мустахкамлаш

4.2. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

4.3. Банк капиталини ошириш

5. ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

6. БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ

7. БАНКНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мазкур Бизнес режа **PricewaterhouseCoopers** билан ҳамкорликда ҳамда Банкни 2021-2025 йилларда **ривожлантириш стратегиясига** мувофиқ ишлаб чиқилган.

БАНК ХАҚИДА:

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармони асосида ташкил этилган.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк операцияларини амалга ошириш учун 2009 йил 30 апрелдаги 37-сонли лицензиясига ҳамда валюта операцияларини ўтказиш учун Бош лицензиясига эга. Банкнинг устав капитали 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига **3 547,3 млрд.** сўми ташкил этади.

Банкнинг бош офиси Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси 14-уйда жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида фаолият юритувчи жами **60 та** филиал, **98 та** банк хизмати кўрсатиш марказлари тармоғига эга. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш ва инфратузилмалари географиясини кенгайтириш мақсадида **261 та** ўз-ўзига хизмат кўрсатиш марказлари (24/7) ташкил этилган.

Банк Кузатув Кенгаши **9 та** аъзодан иборат бўлиб, шундан **5 та** банк акциядорларининг вакиллари ва **4 та** мустақил аъзо Кузатув Кенгаши таркибига киритилган. Банк Кузатув Кенгаши Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланган бўлиб, чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

Банк Бошқаруви банкнинг ижро этувчи органидир. У банкнинг жорий фаолиятини амалга оширади, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва банк Кузатув Кенгаши қарорларини ижро этади. Банк Бошқаруви ҳар чоракда камида бир марта банкнинг молиявий ҳолати ҳақида ҳамда заруриятга кўра даврий равишда Кузатув Кенгашига ҳисобот бериб боради.

Банк Бошқаруви **7 та** аъзодан ташкил топган. Банк Бошқаруви Раиси Кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга тайинланади ҳамда қайта тайинланиши мумкин, бунда сурункасига икки муддатдан ортиқ муддатга тайинланиши мумкин эмас. Бошқарув Раиси ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2023 ЙИЛГИ БАНК СТРАТЕГИЯСИ

PricewaterhouseCoopers билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Банкнинг 2021-2025 йилларда **ривожланиш стратегиясига** мувофиқ банк 2023 йилда қуйидаги асосий йўналишлар доирасида фаолиятини давом этиради:

1. **ACCION** ва **PricewaterhouseCoopers** билан ҳамкорликда ишлаган ҳолда, аввалги миссияси бўлган **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга** қайтиш бўйича ишларни давом этиради.

2. Кичик бизнес субъектлари ва чакана миқозларни молиявий хизматлар орқали янада кенгроқ қамраб олиш, **“бозорга чиқиш”** амалиётини жорий қилиш ишлари бошланади, микро, кичик, ўрта бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларга мўлжалланган кредит маҳсулотлари янгиланади, мавжудлари такомиллаштирилади.

3. Кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш борасидаги тўпланган тажрибага таянган ҳолда **микро, кичик ва ўрта бизнес** субъектлари, чакана миқозларга хизмат кўрсатувчи республикадаги етакчи банкка айланиш борасида 2023 йилга мўлжалланган вазифалар ижроси таъминланади.

4. **ACCION** компанияси билан ҳамкорликда молиявий хизматлар билан минимал қамраб олинган шахсларга микромолиявий хизматлар кўрсатувчи алоҳида **Микрокредит ташкилоти** ташкил этиш ишлари яқунланади.

5. Банк миқозларга кредитлар ажратишда уларни сегментларга ажратган ҳолда (микро, кичик, ўрта ва корпоратив), асосий эътиборни микро, кичик ва ўрта бизнес субъектларига қаратади ва уларга ажратилган кредитларнинг портфелдаги улуши ошириб бориш ишлари давом этиради.

6. Давлат дастурлари, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш амалиётлари давом эттирилади, бунда **“ҳоким ёрдамчилари” билан ҳамкорликда** миқозга йўналтирилган иш тизими асосида фаолият олиб борилади.

7. Банк ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарув, ташкилий ва назорат тизимлари самарадорлигини янада ошириб боради.

БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Банкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегиясига мувофиқ PWC диагностикаси асосида аниқланган банкдаги муаммоларни бартараф этиш, улар таклифи **асосида 33 та лойиҳаларни** амалга ошириш ишлари давом эттирилади. Хусусан:

- **ACCION** компанияси билан ҳамкорликда молиявий хизматлар билан минимал камраб олинган шахсларга микромолиявий хизматлар кўрсатувчи алоҳида **Микрокредит ташкилотини** ташкил этиш ишлари давом эттирилади.

- Банк акцияларини маҳаллий фонд биржаси орқали бирламчи оммавий жойлаштириш **(IPO)** бўйича тасдиқланган Йўл харитасидаги 2023 йил учун мўлжалланган барча вазифалар ижроси таъминланади.

- Банк ходимларининг меҳнат самарадорлигини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш платформаси **(KPI тизими)** янада такомиллаштириб, ходим даражасигача туширилади, шунингдек, **feedback** тизими асосда ходимлар рағбатлантирилади.

- Банкнинг янги кўринишдаги **мобил иловаси** ва рақамли экотизими такомиллаштиради;

- Мижозлар ва ҳамкорларга банк ҳақида, банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни тез етказиш бўйича ишга туширилган **расмий веб сайт** такомиллаштирилади.

- Банкнинг мижозлар билан муносабатларини бошқариш тизими-**CRM** тизими тўлиқ ишга туширилади;

- Мижозлар билан мулоқотдаги шаффофликни янада ошириш мақсадида янги кўринишдаги **Call марказида** банк хизматларини сотиш тизими жорий қилинади.

- Инсон ресурслари самарали бошқарувини ташкил этиш тизими-**HRни** жорий қилиш ишлари давом эттирилади. Хусусан, **recruiting** тизими автоматлаштирилади, малакани баҳолаш (оценка компетенций) ва индивидуал ривожланиш тизимлари жорий қилинади.

- Банкда молиявий блок функциясини ривожлантириш ва унинг доирасида бюджетлаштириш, харажатларни бошқариш тизими **(CFO)**, корпоратив маълумотлар омбори **(DWH)** ва бизнес аналитика **(Business Intelligence)** тизимларини жорий қилиш ишлари давом эттирилади.

- Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлар **(IFRS)** асосида автоматлашган тарзда шаклланиши йўлга қўйиш ишлари бошланади.

- Савдо каналларини такомиллаштириш, агентлар орқали (**POS banking**) сотиш каналлари ва рақамли каналларни ривожлантириш орқали банк хизматларини сотиш янада ривожлантирилади.

БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ КРЕДИТЛАШ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тижорат ва инвестицион кредитлаш фаолияти

Банк томонидан **2023 йилда** банк рентабеллигини оширишда муҳим рол тутган чакана ва бошқа тижорат кредитларининг ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан **2023 йилда**:

- **1 558 млрд.** сўм миқдорида жисмоний шахслар учун **чакана кредитлари** (*автокредит, ипотека, истеъмол, микроқарз ва бошқалар*);

- **Кичик бизнес** субъектлари учун айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадлар учун **1 144 млрд. сўмлик тижорат кредитлари**;

- **Корпоратив бизнес** субъектлари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга **3 435 млрд. сўм** миқдорида хорижий ва миллий валютада **инвестицион кредитлар** ажратилади.

Банк кредит портфелида гаров билан таъминланган кредит салмоғи етарлича юқори бўлишига қарамасдан, портфел сифатини ошириш мақсадида, 2023 йилда банк томонидан кредит таъминотининг сифатига, уларнинг реал бозор нархига алоҳида эътибор берилади. Бунда кредит таъминоти сифатида кафолат ва кафилликларни камайтирган ҳолда, ликвид мулк гаровининг салмоғи оширилади.

Давлат ва ижтимоий дастурлар доирасидаги кредитлаш фаолияти

Банк **2023 йилда** Хукуматнинг тегишли Қарорлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш фаолиятини давом эттиради.


Хусусан, **2023 йилда Оилавий тадбиркорлик** ва бошқа ижтимоий йўналишларда **2 167 млрд. сўм** миқдорида кредитлар ажратилади ҳамда **100 мингга** яқин янги иш ўринлари яратилади;

Бунда, янги ташкил этилган **хоким ёрдамчилари** билан ҳамкорликда “**маҳаллабай**” ишлаш тизими асосида лойиҳалар молиялаштирилади.


Бундан ташқари, **Паррандачилик** корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш ва мавжуд қувватларини ошириш мақсадида **175 млрд. сўм** кредит маблағлари ажратилади.

Олиб борилган ушбу ишлар натижасида, **2023 йил** охирида банк активлари **19,5 трлн. сўм**, шундан банк кредит портфели **16,2 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Банк активлари ўсиши, млрд. сўм



Кредит портфел (брутто) ўсиши, млрд. сўм



Кредит портфелининг сифати ва муаммоли кредитлар билан ишлаш

Банкнинг **Кредит сиёсатида** муаммоли кредитлар билан ишлаш тартиби белгиланган. Кредит сиёсатининг бош мақсадларидан бири кредитлар бўйича таваккалчиликни камайтириш ҳисобланади.

Банк кредит портфелида муаммоли кредитларнинг юзага келиш эҳтимолининг юқори меъёри белгиланади, **риск аппетити** ва **лимит сиёсати** такомиллаштирилади.

Кредит портфелини соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Юзага келиши аниқланган ҳар бир муаммоли кредитни ундириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банкда **2023 йилда** кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши кўшимча захира яратиш учун **794 млрд. сўм** маблағ ажратилади.

Натижада банк кредит портфели таркибида ҳаракатсиз кредитлар (**NPL**) улуши ҳозирги **4,8 фоиз** миқдорида ушлаб турилади.

БАНК КАПИТАЛЛАШУВИНИ ОШИРИШ ВА РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш


Банкда ресурсларни бошқариш сиёсати, биринчи навбатда ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали ўз мижозларининг банк кредитларига бўлган эҳтиёжини қондириш, банкнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш ва кейинчалик бўш ресурс маблағларини молия бозорида жойлаштиришга, банкнинг доимий ликвидлигини таъминлашга қаратилган ҳолда давом эттирилади.

Банк мажбуриятлари ўсиши, млрд. сўм




2023 йилда банкнинг жами депозитлари қолдиғини **1 393,9 млрд. сўмга** ошириб, **6 863,9 млрд. сўмга** етказиш, жумладан жами депозитлар таркибида муддатли депозитлар ҳажми **848 млрд. сўмга** оширилиб, **4 809 млрд. сўмга** етказилади.

Жами депозитлар ўсиши, млрд. сўм



Бундан ташқари, аҳолидан қўшимча равишда **273,1 млрд. сўм** миқдорида омонатлар жалб қилиниб, аҳолининг банкдаги маблағлари миқдори **1 656 млрд. сўм**га етказилади.

Аҳоли омонатлари ўсиши, млрд. сўм



Банк томонидан **2023 йилда** чакана ва корпоратив молия бозорларидан ресурсларни жалб қилиш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланади:

- аҳоли омонатлари ҳажмини **1,3 баробарга** ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, янги, жозибадор омонат турларини жорий этиш, жисмоний шахслар учун миллий ва халқаро пластик карточкалар эмиссиясини кўпайтириш, истеъмол ҳамда автокредитлари таъминоти сифатида аҳолининг нақд пулдаги депозит маблағларини қабул қилиш;

- юридик шахсларнинг банкдаги депозитлари ҳажмини, жумладан муддатли депозитлар қолдиғини **1,3 баробарга** ошириш, хизмат кўрсатиш тизимининг мижозларга йўналтирилганлигини ошириш доирасида, қулай хизмат кўрсатиш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш;

- янги мижозларни, айниқса корпоратив мижозларни жалб этиш, бунда, талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамларида узоқ муддатли йирик миқдорда маблағлар қолдиғига эга мижозларга қўшимча қулайликлар ва имтиёзлар жорий этиш.

Халқаро валюта-кредит муносабатлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик

Банк томонидан халқаро молиявий институтлар, вакил банклар, инвестицион банклар билан ҳамкорлик қилиш, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқариш ва хизматни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни молиялаш учун тўғридан-тўғри кредит линияларини жалб этиш бўйича ишлар олиб борилади.

Банк ўз мижозларига хорижий ишлаб чиқарувчилардан замонавий техника ва технологиялар сотиб олишга ҳамда мижозлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет эл бозорларига олиб чиқишга ҳар томонлама, жумладан, сотувчи ва харидорлар ўртасида музокараларни ташкил этиш, шартномаларни молиялаштириш, банк кафолатлари бериш, халқаро ҳисоб-китоблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолиятини ривожлантиради.

Банк капиталини ошириш

Шунингдек, **2023 йилда** банк ўз мижозларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун бир нечта кредит линияларини бевосита жалб қилиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширади.

Хусусан, **2023 йилда** кичик бизнес лойиҳалари учун жами **98,3 млн.** АҚШ доллари, шундан Давлат кафолати остида **48,4 млн.** АҚШ доллар, давлат кафолатисиз **50,0 млн.** АҚШ доллар миқдорида маблағлар жалб этилади. Хусусан:

- Европа Инвестицион банки кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб қувватлаш дастури доирасида **13,1 млн.** АҚШ доллари;
- Америка Қўшма Штатларининг Cargill Financial Instituion ташкилотидан **30,3 млн.** АҚШ доллари;
- Россиянинг АКВARS BANK ташкилотидан савдо лойиҳаларини молиялаштириш учун **5,1 млн.** АҚШ доллари;

- Япониянинг JICA (Japan International Cooperation Agency) ташкилотидан мева ва сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш учун **35 млн.** АҚШ доллари;

- Қозоғистоннинг JUSAN BANK ташкилотидан **15,2 млн.** АҚШ доллари ва бошқалар.

ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Банк стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бўлган аҳолига чакана банк хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш бўйича аниқ вазифалар амалга оширилади. Хусусан, 2023 йилда:

- Қўшимча равишда **12 та** янги **банк хизматлари марказлари** ташкил этиш ҳисобига уларнинг сони **104 тага** етказилади;

- **Венгрия давлатидан** олиб келинаётган қўшимча **300 та** банкоматлар чекка ҳудудларга жойлаштирилади;

- Чакана банк хизматлари (*банкоматлар, ВАШ, Халқаро пул ўтказмалари, П2П, Мунис ва бошқа хизматлар*) орқали **2023 йилда** даромадлар ҳажмини оширишга алоҳида этибор қаратилади.

- жисмоний шахслар учун **1 558 млрд.** сўм миқдорида чакана кредитлар (*автокредит, ипотека, истеъмол, микроқарз ва бошқалар*) ажратилади;

- жисмоний шахслар учун янги турдаги истеъмол, овердрафт ва автокредитлар, микроқарзлар, жозибадор янги омонатлари жорий этилади;

- аҳолидан қўшимча равишда **273,1 млрд.** сўм миқдорида омонатлар жалб қилиниб, аҳолининг банкдаги маблағлари миқдори **1 656 млрд.** сўмга етказилади.

- янги ишлаб чиқилган мобил илова орқали банк маҳсулотларини сотиш ишлари бошланади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН:

- Кичик бизнес субъектлари учун айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадлар учун **1 144 млрд.** сўмлик тижорат кредитлари ажратилади.

- Кичик бизнес субъектларидан ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча равишда **104 млрд.** сўм миқдорида қўшимча депозитлар жалб қилиниб уларнинг қолдиғи **578 млрд.** сўмга етказилади;

- Кичик бизнес субъектлари учун тўлов терминалларига муқобил вариант сифатида тўловларни смартфонлар орқали қабул қилиш имкониятига эга "МАРТА"-терминал хизмати жорий қилинган тизим такомиллаштирилади;

- Кичик бизнес субъектлари учун жорий қилинган - “**Business online-2**” ва **Business overdraft (контокоррент)** тизимлари орқали уларнинг молиявий ҳолатини қўллаб қувватлаш тизими янада кучайтирилади;

КОРПОРАТИВ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН:

- **Корпоратив бизнес** субъектлари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга **3 435 млрд.** сўм миқдорида хорижий ва миллий валютада **инвестицион кредитлар** ажратилади.

- Корпоратив йўналиш бўйича депозитлар қолдиғи **1 015,9 млрд.** сўмга оширилиб, **4 629,5 млрд.** сўмга етказилади.

- Янги жорий қилинган **авансли фоиз** банк хизмати орқали янги банк корпоратив мижозлари ва унинг хизматчиларини банк хизматларига жалб қилиш ва корпоратив мижозлар ҳисобини ошириш.

БАНКНИНГ 2023 ЙИЛДАГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗИ

Банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари даромадлилик, фойдалилик (рентабеллик) кўрсаткичлари ҳисобланади.

Банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида, барча филиаллар учун амал қилиниши лозим бўлган молиявий индикаторлар тизими, рентабеллик кўрсаткичларининг энг куйи меъёрлари белгиланади.

Банкнинг ишлаб чиқилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ, **2023 йилда** банк томонидан жами **4 272,7 млрд.** сўм миқдорида даромад олиш, **4 222,4 млрд.** сўм миқдорида харажатларни амалга ошириш белгиланган.

Шундан, даромадлар таркиби:

- *Кредитлар бўйича фоизли даромадлар – 2 344,2 млрд. сўм;*
- *Бошқа фоизли даромадлар – 1 055,5 млрд. сўм;*
- *Фоизсиз даромадлар – 873,0 млрд. сўм*

Шунингдек, харажатлар таркиби:

- *Фоизли харажатлар – 1 961,1 млрд. сўм;*
- *Фоизсиз харажатлар – 418,3 млрд. сўм;*
- *Операцион харажатлар – 981,1 млрд. сўм;*
- *Заҳира харажатлари – 794,9 млрд. сўм;*
- *Фойда солиғи – 66,8 млрд. сўм.*

Натижада **2023 йил** якунлари бўйича соф фойда **50,2 млрд.** сўм миқдорида бўлиши кутилмоқда.

БАНКНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Банк тизимида устуворлик ёш мутахассисларга, уларнинг шахсий ва касбий сифатларини ривожлантиришга қаратилади.

2022 йилда Кадрлар сиёсатининг вазифалари - юқори натижаларга эришиш учун ўз ходимлари меҳнатини қулай ташкил этиш, ходимлар ўзларини шахс сифатида, олға интилувчи ҳаракат ташаббускори сифатида англаши, хизмат қилувчи ходим онгини миждозга, фойдага қаратиш, бефарқ ижрочини бартараф этиш, ахлоқ-одобни унутмаган ҳолда соғлом иқтисодий мазмунга асосланган ижтимоий меъёрларга ўтишни таъминлашдир.

Инсон ресурслари (**HR**) самарали бошқарувини ташкил этиш мақсадида банкнинг ўқув маркази базасида ходимларни қайта тайёрлаш режасини ишлаб чиқиш, режа асосида уларни банк ишидаги долзарб мавзулар бўйича маҳаллий ва хорижий ўқув марказлари билан шартнома тузган ҳолда ўқитишни ташкиллаштириш, турли тренинглар ўтказиш белгиланган.

Бундан ташқари, ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими **KPI тизими** ишга туширилади.

Банкка юқори малакали ходимларни жалб қилиш ҳамда кадрлар кўнимсизлик даражасини минималлаштириш мақсадида банкнинг касба уюшмаси кўмагида ходимлар учун кўшимча қулайликлар ва шарт шароитлар яратиш жараёни такомиллаштирилади.

Кредитлашда хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тегишли таклифлар бериш учун етарли малака ва билимга эга бўлган риск-менежерларни ишга қабул қилиш, ушбу ходимларга хорижий тажрибаларни ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш ва банкда риск-менежменти бўйича масъул ходимларни тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, кадрларга бўлган талабни олдиндан ўрганган ҳолда иқтисодий йўналишдаги мутахассисларни тайёрлайдиган барча олий ўқув юртлари, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Банк-молия академиялари билан муносабатларни кенгайтириш, мутахассисларни банк тизимида тажриба алмашишларига шароит яратилади.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Банк Бошқаруви **хар чоракда** Бизнес режанинг бажарилишини кўриб чиқади ва натижалардан келиб чиққан ҳолда кўшимча чора-тадбирларни белгилайди. Бизнес режа параметрларининг ижроси ҳолати банк Бошқаруви

томонидан банкнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш ёки кўшимча рағбатлантиришга асос бўлади.

Банкда амалга оширилаётган трансформация жараёнларини ва **PricewaterhouseCoopers (PwC)** халқаро консультантлари билан ишлаб чиқилган банкнинг **2021-2025 йилларга** мўлжалланган бизнес **стратегиясини** амалга оширишни инобатга олган ҳолда мазкур бизнес режада қайд этилган даромадлар, харажатлар ва соф фойда миқдори ўзгариши эҳтимоли мавжуд.

Банк Кузатув Кенгаши **2023 йил** давомида банкка юклатилган вазифаларнинг ижроси нуктаи назаридан Бошқарув ташаббуси билан ёки мустақил равишда, Акциядорларнинг умумий йиғилиши чақирилгунга қадар режага қисман ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга. Бунда киритилган ўзгартиришлар режанинг туб моҳиятини ўзгартирмаслиги лозим. Киритилган ўзгартиришлар ва уларнинг ижроси бўйича Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилишида ҳисобот берилади.

Мазкур бизнес режага асосий кўрсаткичлар прогнозлари илова қилинади.

Бошқарув раиси

 О. Бутаев



"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг 2023 йилда ресурс базасини шакллантириш режаси бажарилиши

(млн.сўм)

Ресурслар номи	2022 йил Режаси	01.01.2023 ҳолатига қўйилган	2023 йил режаси, шу жумладан:					01.01.2023 қўйилган 2022 режасига нисбатан		2023 режаси 01.01.2023 қўйилганга нисбатан	
			1-чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%	
			4	5	6	7	8	9	10	11	
Мижозларнинг депозитлари:	4 706 155	4 705 755	5 768 384	6 042 340	6 385 822	6 863 986	-400	100%	2 158 232	146%	
1. Талаб қилиб олинунча сақланадиган депозитлар	790 521	790 121	1 504 912	1 631 840	1 779 290	2 055 043	-400	100%	1 264 921	260%	
- жисмоний шахслар	241 699	241 299	433 688	453 868	484 277	557 161	-400	100%	315 862	231%	
- юридик шахслар	548 822	548 822	1 071 224	1 177 972	1 295 012	1 497 882	0	100%	949 059	273%	
2. Муддатли депозитлар	3 915 633	3 915 633	4 263 472	4 410 500	4 606 532	4 808 944	0	100%	893 310	123%	
- жисмоний шахслар	895 023	895 023	973 426	1 010 287	1 049 112	1 098 982	0	100%	203 960	123%	
- юридик шахслар	3 020 611	3 020 611	3 290 046	3 400 213	3 557 421	3 709 962	0	100%	689 351	123%	
Бошқа банкларнинг депозитлари	2 569 883	2 569 883	3 059 191	3 266 176	3 561 851	3 544 447	0	100%	974 564	138%	
Бошқа кредит ва қарзлар	4 686 700	4 534 313	4 493 582	4 686 910	4 832 613	5 105 958	-152 386	97%	571 644	113%	
1. Туланилиши лозим бўлган кредитлар	4 676 700	4 524 313	4 483 582	4 686 910	4 832 613	5 105 958	-152 386	97%	581 644	113%	
2. Облигациялар ва депозит сертификатлари	10 000	10 000	10 000	0	0	0	0	100%	-10 000	0%	
Бошқа мажбуриятлар, жумладан,	243 424	238 755	249 606	265 711	280 696	295 656	-4 669	98%	56 901	124%	
- Туланиши лозим бўлган ҳисобланган фойзалар	135 364	135 364	145 697	160 765	175 765	190 765	0	100%	55 401	141%	
- бошқа мажбуриятлар	108 060	103 392	103 909	104 946	104 932	104 892	-4 669	96%	1 500	101%	
Жами мажбуриятлар	12 206 161	12 048 706	13 570 764	14 261 137	15 060 982	15 810 047	-157 455	99%	3 761 341	131%	
Капитал:	3 643 098	3 640 110	3 647 712	3 664 980	3 713 431	3 726 931	-2 988	100%	86 821	102%	
1. Устав капитали	3 547 333	3 547 333	3 547 333	3 547 333	3 587 333	3 587 333	0	100%	40 000	101%	
2. Қўшимча капитал	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%	
3. Захира капитали	32 798	32 798	32 798	32 798	32 798	32 798	0	100%	0	100%	
4. Таксимланмаган фойда, жами	62 966	59 979	67 580	84 848	93 300	106 799	-2 988	95%	46 821	178%	
<i>жумладан:</i>											
- Утган йиллар бўйича таксимланмаган фойда	42 466	48 826	59 077	63 795	60 317	56 527	6 359	115%	7 702	116%	
- жорий соф фойда	20 500	21 153	14 503	21 053	32 983	50 272	653	103%	29 119	238%	
Жами	15 849 259	15 688 817	17 218 475	17 926 117	18 774 413	19 536 978	-160 443	99%	3 848 162	125%	

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкнинг 2023 йилда ресурсларни жойлаштириш режаси bajarilishi												2-илова	
Активлар номи	2022 йил режаси	01.01.2023 ҳолатига кўтиляётган				2023 йил режаси, шу жумладан:				01.01.2023 ҳолатига кўтиляётган		2023 режаси 01.01.2023 кўтиляётганга нисбатан	
		2022 режаси bajarilishi				2023 йил режаси, шу жумладан:				01.01.2023 ҳолатига кўтиляётган		2023 режаси 01.01.2023 кўтиляётганга нисбатан	
		1 чорак	1 ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	1 чорак	1 ярим йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%
I	2	815 459	778 447	1 086 808	1 154 714	1 022 895	1 086 808	1 154 714	8	9	10	11	
1. Кассалати нақд пуллар ва МБдаги пул маблағлари:													
1.1. Кассалати нақд пул ва бошқа тулов ҳужжатлари)	460 122	460 122	555 652	627 258	555 652	590 370	627 258	0	0	100%	167 136	136%	
1.2. Марказий банкдаги вакилик ҳисобварағи, Ностро, Востро	318 325	318 325	430 606	490 712	430 606	459 729	490 712	0	0	100%	172 387	154%	
1.3. Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи	37 012	0	36 422	36 744	36 637	36 708	36 744	-37 012	0	0%	36 744	0%	
2. Бошқа банклардаги маблағлар (жами):	450 125	450 125	706 771	887 704	750 932	837 852	887 704	0	100%	437 579	197%		
3. Қimmatли қозғалар портфели (нетто):	455 107	455 107	432 864	519 157	459 904	488 633	519 157	0	100%	64 050	114%		
3.1. Давлат облигациялари	455 000	455 000	432 757	519 050	459 796	488 526	519 050	0	100%	64 050	114%		
3.2. РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қimmatли қозғалар	0	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%		
3.4. Қарам ҳўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўба ҳўжалик жамиятларига килинган инвестициялар	0	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%		
3.3. Сотилган мулккайилган қimmatли қозғалар килинган инвестициялар	107	107	107	107	107	107	107	0	100%	0	100%		
4. Бошқа инвестициялар	0	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%		
5. Қредитлар (нетто):	12 506 742	12 383 312	13 449 599	15 274 681	14 007 003	14 656 939	15 274 681	-123 431	99%	2 891 369	123%		
5.1. Жами қредит қоллиғи (брутто)	12 821 217	12 697 786	13 856 722	16 206 810	14 599 422	15 434 655	16 206 810	-123 431	99%	3 509 024	128%		
5.1.1. Миллий валютада	9 199 456	9 127 249	9 885 472	11 544 843	10 458 827	11 107 442	11 544 843	-72 208	99%	2 417 594	126%		
5.1.2. Хорижий валютада	3 621 761	3 570 538	3 971 250	4 661 967	4 140 595	4 327 213	4 661 967	-51 223	99%	1 091 429	131%		
5.1.3. Қредитлар ва лизинглар бўйича яратилган захира	314 475	314 475	407 123	932 129	592 419	777 716	932 129	0	100%	617 655	296%		
6. Асосий воситалар	393 698	393 698	413 383	478 542	434 052	455 755	478 542	0	100%	84 844	122%		
7. Қредитлар ва лизинглар бўйича баланста олинган мулклар нетто	105 897	105 897	132 720	109 987	124 502	116 942	109 987	0	100%	4 090	104%		
10. Бошқа активлар, жумладан:	1 122 231	1 122 231	1 120 398	1 112 194	1 126 829	1 131 485	1 112 194	0	100%	-10 037	99%		
10.1. Ҳисобланган фондлар	690 244	690 244	711 358	709 782	715 619	719 904	709 782	0	100%	19 538	103%		
10.2. Бошқа активлар	431 987	431 987	409 040	402 412	411 210	411 581	402 412	0	100%	-29 575	93%		
Жами	15 849 259	15 688 817	17 218 475	19 536 978	17 926 117	18 774 413	19 536 978	-160 443	99%	3 848 162	125%		

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг 2023 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси бажарилиши											3-июль		
№	Даромад ва харажат банллари	2022 йил режаси	01.01.2023 ҳолатига қўйилган	2023 йил режаси, иш жүзидан:					01.01.2023 ҳолатига 2022 режаси бажарилиши		2023 режаси 01.01.2023 қўйилганга нисбатан		
				1-чорак	1-ярм йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%	сўм	%
I	2	3	3 357 950	949 357	1 993 447	3 094 055	4 272 723	21 624	101%	914 773	127%		
I.1.	Фондиз даромадлар	2 532 833	2 527 596	742 400	1 557 043	2 428 203	3 399 690	-5 237	100%	872 094	135%		
I.2.	Фондиз даромадлар	803 493	830 354	206 957	436 404	665 851	873 033	26 861	103%	42 679	105%		
II	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	3 336 326	3 357 950	949 357	1 993 447	3 094 055	4 272 723	21 624	101%	914 773	127%		
	ХАРАЖАТЛАР												
2.1.	Фондиз харажатлар	1 639 154	1 679 675	450 719	941 631	1 436 868	1 961 178	40 521	102%	281 503	117%		
2.2.	Фондиз харажатлар	348 836	398 019	104 579	209 158	313 737	418 317	49 183	114%	20 298	105%		
2.3.	Операцион харажатлар, жумладан:	695 453	703 503	226 103	451 070	702 775	981 142	8 050	101%	277 640	139%		
2.3.1.	Банк хизматчиларининг иш хақи ва улар учун қилинган харажатлар	479 677	488 234	147 531	295 063	469 329	646 046	8 557	102%	157 812	132%		
2.3.1.(1)	Чет эл мутахассислари маоши	0		0	0	0	0	0	0%	0	0%		
2.3.1.(2)	Қузатув кенгаши аъзолари хажқи	2 023	2 430	1 250	2 500	3 750	5 000	408	120%	2 570	206%		
2.3.1.(3)	Бошқарув аъзолари маоши	3 195	2 728	2 000	4 000	6 000	8 000	-466	85%	5 272	293%		
2.3.1.(4)	Байрам ва мавсумий мукофот пуллари	49 236	47 980	10 000	20 000	30 000	40 000	-1 256	97%	-7 980	83%		
2.3.1.(5)	Ярим йиллик мукофот пули	7 661	15 600	15 000	0	30 000	60 000	7 939	204%	44 400	385%		
2.3.1.(6)	Қолган ишчилар маоши (базавий иш хақи, ойлик мукофот)	417 563	419 496	119 281	268 563	399 579	533 046	1 933	100%	113 550	127%		
2.3.2.	Репрезентация ва хайрия	19 322	18 815	6 577	13 153	19 730	26 307	-507	97%	7 491	140%		
2.3.3.	Бошқа операцион харажатлар:	196 453	178 256	71 995	142 853	213 716	308 789	-18 198	91%	130 534	173%		
2.3.3.(1)	Ижара ва таъминот харажатлари	80 366	80 366	32 601	65 203	97 804	130 405	0	100%	50 039	162%		
2.3.3.(2)	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	9 456	9 456	2 766	5 531	8 297	11 063	0	100%	1 606	117%		
2.3.3.(3)	Маъмурий харажатлар	17 995	17 995	8 814	16 490	24 172	31 858	0	100%	13 864	177%		
2.3.3.(4)	Эскириш харажатлари	52 632	52 632	15 789	31 579	47 368	87 363	0	100%	34 731	166%		
2.3.3.(5)	Сугурга, солиқ ва бошқа харажатлар	36 005	17 807	12 025	24 050	33 075	45 100	-18 198	49%	27 293	253%		
2.3.3.(6)	ИРО харажатлари	0	18 197	0	0	3 000	3 000	18 197	0%	-15 197	0%		
2.5.	Судлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолый йўқотилларга қарши захиралар	590 168	531 403	136 065	335 703	558 441	794 916	-58 765	90%	263 513	150%		
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	3 273 610	3 312 599	917 466	1 937 561	3 011 821	4 155 553	38 989	101%	842 954	125%		
2.6.	Даромад солигинча бўлган фойда	62 715	45 350	31 891	39 150	48 715	92 855	-17 365	72%	47 505	205%		
	Фойда солигини баҳолаш	42 215	24 197	17 388	34 833	49 250	66 898	-18 018	57%	42 701	276%		
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР (солиқлар билан бирга)	3 315 826	3 336 797	934 854	1 972 394	3 061 072	4 222 451	20 971	101%	885 654	127%		
III.	СОФ ФОЙДА	20 500	21 153	14 503	21 053	32 983	50 272	653	103%	29 119	238%		

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг 2023 йил учун баланс кўрсаткичлари										4-илова	
Кўрсаткичлар номи	2022 йил режаси		2023 йил режаси, шу жумладан:				01.01.2023 кутилаётган 2022 режасига нисбатан		2022 режаси 01.01.2023 кутилаётганга нисбатан		(млн.сўм)
	2		5				8		9		
	1-чорак	1-ярм йиллик	9 ойлик	йиллик	сўм	%	сўм	%	сўм	%	
АКТИВЛАР											
1. Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов хужжатлари	460 122	460 122	522 975	555 652	590 370	627 258	0	100%	167 136	136%	
2. Банkning Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкдаги (МБ) ҳисобварақлари	355 337	318 325	439 765	467 243	496 437	527 456	-37 012	90%	209 131	166%	
3. Банkning бошқа банклардаги ҳисобварақлари	450 125	450 125	706 771	750 932	837 852	887 704	0	100%	437 579	197%	
4. Олди-сотди қимматли қоғозлари	455 000	455 000	432 757	459 796	488 526	519 050	0	100%	64 050	114%	
5. Банк кредит кўйилмаси	12 506 742	12 383 312	13 449 599	14 007 003	14 656 939	15 274 681	-123 431	99%	2 891 369	123%	
6. Инвестициялар	107	107	107	107	107	107	0	100%	0	100%	
7. Асосий воситалар, нетто	393 698	393 698	413 383	434 052	455 735	478 542	0	100%	84 844	122%	
8. Бошқа активлар	1 228 128	1 228 128	1 253 118	1 251 331	1 248 427	1 222 181	0	100%	-5 947	100%	
ЖАМИ АКТИВЛАР	15 849 259	15 688 817	17 218 475	17 926 117	18 774 413	19 536 978	-160 443	99%	3 848 162	125%	
МАЖБУРИЯТЛАР											
1. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	790 521	790 121	1 504 912	1 631 840	1 779 290	2 055 043	-400	100%	1 264 921	260%	
2. Муздатили депозитлар	3 915 633	3 915 633	4 263 472	4 410 500	4 606 532	4 808 944	0	100%	893 310	123%	
3. Бошқа банкларнинг депозитлари	2 569 883	2 569 883	3 059 191	3 266 176	3 561 851	3 544 447	0	100%	974 564	138%	
4. Олинган кредит ва қарзлар, чиқарилган қимматли қоғозлар	4 686 700	4 534 313	4 493 582	4 686 910	4 832 613	5 105 958	-152 386	97%	571 644	113%	
5. Бошқа мажбуриятлар	243 424	238 755	249 606	265 711	280 696	295 656	-4 669	98%	56 901	124%	
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	12 206 161	12 048 706	13 570 764	14 261 137	15 060 982	15 810 047	-157 455	99%	3 761 341	131%	
6. Устав капитали	3 547 333	3 547 333	3 547 333	3 547 333	3 587 333	3 587 333	0	100%	40 000	101%	
7. Қўшимча капитал	0	0	0	0	0	0	0	0%	0	0%	
8. Захира капитали	32 798	32 798	32 798	32 798	32 798	32 798	0	100%	0	100%	
9. Таксимланмаган фойда, жами	62 966	69 979	73 580	84 848	93 300	106 799	7 012	111%	36 821	153%	
<i>жумладан:</i>											
- Утган йиллар бўйича таксимланмаган фойда	42 466	48 826	59 077	63 795	60 317	56 527	6 359	115%	7 702	116%	
- жорий соф фойда	20 500	21 153	14 503	21 053	32 983	50 272	653	103%	29 119	238%	
Жами капитал	3 643 098	3 640 110	3 647 712	3 664 980	3 713 431	3 726 931	-2 988	100%	86 821	102%	
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР + КАПИТАЛ	15 849 259	15 688 817	17 218 475	17 926 117	18 774 413	19 536 978	-160 443	99%	3 848 162	125%	

**"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банк томонидан 2023 йилда амалга оширилиши белгиланган
корпоратив харидлар режаси**

T/p	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
	Жами	22 478	40 885	86 504	58 997	82 460	43 191	29 655	24 135	33 041	23 093	20 022	28 334	492 795
	Банк ходимлари учун харажатлар, шу жумладан харид номи:	208	208	1 889	458	208	1 889	458	208	1 889	708	208	1 889	10 224
1	Банк ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш	208	208	208	458	208	208	458	208	208	708	208	208	3 500
2	Ходимларини танлаш ва мослаштириш	-	-	280	-	-	280	-	-	280	-	-	280	1 121
3	Ўқитиш ва ривожлантириш	-	-	280	-	-	280	-	-	280	-	-	280	1 121
4	Самарадорлик ва рағбатлантиришни бошқариш (KPI)	-	-	560	-	-	560	-	-	560	-	-	560	2 241
5	Кадрлар алмашинувини режалаштириш	-	-	280	-	-	280	-	-	280	-	-	280	1 121
6	Фаоллик ва корпоратив маданият	-	-	280	-	-	280	-	-	280	-	-	280	1 121
	Бино изараси харажатлари	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	16 000
7	Биноларнинг ижара тўловлари	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	1 333	16 000
	Бошқа операцияон харажатлар	7 264	6 246	8 823	9 972	5 617	7 593	7 162	5 107	7 083	7 222	5 167	7 143	84 402
8	Электрон калитлар (интернет банкнинг миқозлари учун, 3 минг дона)	-	957	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	957
9	Ахборотлаштириш объектларида ваколатли орган томонидан ўтказиш	-	80	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	80
10	Бош банкда минтакавий филиалларнинг марказлашган ҳолда назорат килинувчи рақамли видеокузатув тизими ва унинг архивларини жорий этиш	-	-	500	-	-	-	-	-	-	-	-	-	500
11	Мажбур виртуал серверини модернизация қилиш	-	-	-	1 000	-	-	-	-	-	-	-	-	1 000
12	Янги виртуал серверлар харид қилиш	-	-	-	400	400	400	-	-	-	-	-	-	1 200
13	Алоқа хизматлари учун абонент тўлови учун харажатлар	170	170	170	170	170	170	170	170	170	170	170	170	2 040
14	ИАБС дастурий таъминотига техник хизмат кўрсатиш	290	290	290	290	290	290	290	290	290	290	290	290	3 480
15	ИВМ серверлари постгарантия ва техник хизмат кўрсатиши харажатлар	1 200	-	-	1 200	-	-	-	-	-	1 200	-	-	4 800

Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
16	IP-телефония серверларига посттарантия ва техник хизмат кўраётини харажатлар	855			855			855			855			3 420
17	СМС-сервис хизмати харажатлари	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	90	1 080
18	Пластик карта - Uzcard (200 000 дونا)	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	8 004
19	Пластик карта - Humo (400 000 дона)	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	667	8 004
20	Пластик карта - VISA (200 000 дона)	500	500	500	500	500	500	500	500	500	500	500	500	6 000
21	Сирли миждоз-лойихаси	-	-	700	-	-	-	-	-	-	-	-	-	700
22	Маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида консалтинг компанияларини жалб этиш	150	150	150	133	133	133	33	33	33	17	17	17	1 000
23	Полиграфия ва босма материаллар чоп этиш	25	25	25	50	50	50	40	40	40	117	117	117	695
24	Ташқи аудит хўласасини олиш	-	-	-	1 300	-	-	-	-	-	-	-	-	1 300
25	Банкнинг ИАБС ва амалий тизимларининг техник имкониятларини модернизация қилиш, "Ягона МФО" технологиясини яратиш	-	-	1 961	-	-	1 961	-	-	1 961	-	-	1 961	7 844
26	https://mkbank.uz/uz/ Корпоратив веб-сайтини модернизация қилиш	-	-	15	-	-	15	-	-	15	-	-	15	60
27	Юридик шахслар учун Internet-banking ва Мобил илова хизматларини кенгайтириш	-	-	438	-	-	-	-	-	-	-	-	-	438
28	Пластик карта - Бренд конверт (500 000 дона)	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	1 800
29	Бошқа (кўзда тутилмаган) харидлар	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	2 500	30 000
	Қўнғилочар талбирлар учун қилинган харажатлар	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	240
30	Матбуот анжумани ва пресс-турлар ўтказиш	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	240
	Маъмурий харажатлар	1 401	1 401	16 801	1 461	1 470	1 461	1 484	1 484	1 484	1 437	1 728	1 428	33 041
31	Интернет провайдер хизмати	48	48	48	48	48	48	48	48	48	48	48	48	573
32	Веб-сайт экспертизаси	-	-	-	-	9	-	-	-	-	9	-	-	18
33	Канцелярия моллари	583	583	583	583	583	583	583	583	583	583	583	583	7 000
34	Хўжалик моллари	317	317	317	317	317	317	317	317	317	317	317	317	3 800
35	Банк акцияларини қўшимча жойлаштириш (IPO)	-	-	15 400	-	-	-	-	-	-	-	-	-	15 400
36	Газета ва журналлар обунаси - 2024 йил	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	300	-	300
37	Телевиденига видеороликлар суратга олдирини ва эфирга бериши харажатлари	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	70	840


Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
38	Сайтларда материалларни эълон қилиш харажатлари	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	600
39	Иқтисодий тармоқларда материалларни эълон қилиш харажатлари	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	50	600
40	Банк фаолиятига оид ролик ва курсатувлар олдирish	40	40	40	40	40	40	40	40	40	40	40	40	480
41	Газета ва журналларда таъриқ, эълон ва мақолалар чоп этиш харажатлари	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	240
42	Сифатли реклама контентларини яратиш учун таъриқбали аутсорсинг компанияларини жалб қилиш ва бренд рекламаси учун шахс ташлаш	50	50	50	100	100	100	83	83	83	67	67	67	900
43	Google Ads, Yandex ads, Facebook ва Instagramm интернет рекламасини харид қилиш (4 дона)	40	40	40	33	33	33	40	40	40	33	33	33	440
44	Турли PR реклама компаниялари ташкил этиш ва таъбир, форумларда қатнашиш тўлови (8 дона)	17	17	17	33	33	33	50	50	50	33	33	33	400
45	OAV, ТВ, ташқи маъбалагга рекламаларни жойлаштириш (4 дона)	117	117	117	117	117	117	133	133	133	117	117	117	1 450
46	Номодий активлар хариди	3 970	10 141	4 112	1 667	915	915	-	-	650	966	450	-	23 786
47	Antivirus лицензияси (1 та)	-	-	-	752	-	-	-	-	-	-	-	-	752
48	SIEM дастурий тизими	3 335	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3 335
49	IDPS тармоқларро экран (песочница и файрвол) аппарат-дастурий воситаларининг йиллик лицензияси	-	-	-	-	-	-	-	-	650	-	-	-	650
50	SIEM дастурий тизими йиллик лицензияси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	450	-	450
51	Kerio Control дастурийнинг йиллик лицензияси	-	-	103	-	-	-	-	-	-	-	-	-	103
52	DLP дастурийнинг йиллик лицензияси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	570	-	-	570
53	FUDO PAM дастурийнинг йиллик лицензияси	-	-	70	-	-	-	-	-	-	-	-	-	70
54	Локал тармоқни мониторинг ва аудит қилиш тизими йиллик лицензияси	-	-	-	-	-	-	-	-	-	396	-	-	396
55	SSL сертификати йиллик лицензияси	-	6	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	6
56	Service DESK дастурий таъминоти	-	-	-	280	280	280	-	-	-	-	-	-	840
57	Мальумотларни қайта ишлаш маркази	635	635	635	635	635	635	-	-	-	-	-	-	3 810
58	ORACLE лицензияси	-	7 500	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	7 500

Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	Жами 2023 йилда
58	Ички назорат қондаларига асосан шубхали ва гумонли операцияларни автомат аниқлаш дастурини яратиш	-	-	800	-	-	-	-	-	-	-	-	-	800
59	Жисмоний шахслар учун Мобил илованинг хизматларини кенгайтириш	-	-	1 504	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 504
60	Ассеп билан биргаликда Микрокредит ташқилотини (МКО)ташқил этиш (Микромолиялаш дастури)	-	-	1 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 000
61	Банкоматларга мониторинг дастурини сотиб олиш	-	1 500	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 500
62	Кассаларни текшириш тизимини автоматлаштириш	-	500	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	500
	Таъмирлаш ва таъминот харажатлари	803	813	815	835	827	831	835	840	851	855	857	865	10 028
63	Кузатув камераси ўрнатилиш ва жорий таъмирлаш	57	57	57	57	57	57	57	57	57	57	57	57	686
64	Қўриқлаш сигнализация воситалари ўрнатилиш ва жорий таъмирлаш	93	102	104	125	117	121	125	130	141	145	147	155	1 506
65	Компютер ускуналарини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	22	22	22	22	22	22	22	22	22	22	22	22	264
	Автотранспорт воситаларини таъмирлаш, автотранспорт воситалари учун шина, ўриқдик ғилофи ва бошқалар	167	167	167	167	167	167	167	167	167	167	167	167	2 000
67	Кондиционерларни таъмирлаш	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	17	200
68	принтерларни таъмирлаш	82	82	82	82	82	82	82	82	82	82	82	82	980
69	Банкоматларга эхтиёт қисмлар сотиб олиш ва техник хизмат кўрсатиш	366	366	366	366	366	366	366	366	366	366	366	366	4 392
	Товар-моддий қимматликлар	7 364	20 609	37 199	43 249	72 069	22 594	18 361	15 141	11 901	10 551	10 258	8 208	277 507
70	Пул омборларига бармоқ изи қурилмалари ўрнатилиш ва яроқсизларини янгилаш	29	29	29	29	29	29	29	29	29	29	29	29	348
71	Худудий филиаллар учун хавфсизлик серверлари (15 дона)	-	-	75	-	75	-	75	-	75	-	-	-	300
72	Телекоммуникацион воситалар (маршрутизатор, коммутатор, кабел ва бошқалар, 20 дона)	-	-	-	350	350	350	-	-	-	-	-	-	1 050
73	Телефон аппаратлари (500 дона)	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	600
74	Компютерлар, ноутбуклар, планшетлар (1300 дона)	-	-	-	5 640	5 640	5 640	-	-	-	-	-	-	16 920
75	Принтер ва сканерлар (200 дона)	-	-	-	368	368	368	-	-	-	-	-	-	1 104

Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
76	Модернизация топологии сети	-	-	2 500	2 500	2 500	-	-	-	-	-	-	-	7 500
77	IBM Flashsystem CXД диск 9,6TB	-	-	3 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3 000
78	Автотранспорт воситалари (21 дона)	-	-	-	430	-	320	500	500	500	500	500	500	3 750
79	Янги бино сотиб олиш (1 дона)	-	-	-	-	300	-	-	-	-	-	-	-	300
80	Янги бинолар куриш (3 дона)	-	-	3 900	-	-	3 900	-	3 900	-	-	-	-	11 700
81	Реконструкция (1 дона)	-	-	-	-	1 200	-	-	-	-	-	-	-	1 200
82	Биноларни капитал таъмирлаш (13 дона)	3 500	6 210	5 200	7 550	2 900	2 700	2 550	2 800	2 850	2 950	2 940	300	42 450
83	Ижарадаги биноларни тамирлаш (3 дона)	-	-	-	-	-	730	450	650	550	220	-	-	2 600
84	Офис мебеллари (115 та)	-	20	20	20	35	45	45	35	35	35	45	45	380
85	Юмшок мебеллар (104 та)	-	-	-	-	-	-	60	75	110	125	60	90	520
86	Шкаф (125 та)	-	-	30	30	30	-	-	-	40	40	40	40	250
87	Тумба (300 та)	-	-	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	90
88	Иш столи (200 та)	-	-	35	35	35	35	35	35	35	35	35	35	350
89	Иш креслоси (250 та)	-	-	13	13	13	13	13	13	13	13	13	13	125
90	Бошка мебеллар	-	-	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	300
91	Темир шкаф (132 та)	-	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	15	165
92	Кондиционерлар (300 та)	63	63	113	63	63	163	163	163	163	163	163	163	1 500
93	Генераторлар (10 та)	-	-	-	-	500	500	500	500	500	-	-	-	2 500
94	Пул ташувчи аравалар (50 та)	-	-	-	-	-	8	8	8	8	8	-	-	40
95	Кулерлар (60 та)	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	48
96	Бошка машиий техникалар (120 та)	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	96
97	Қуёш Панеллари (36 дона)	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	2 945	35 345
98	Банкнотлар хисоблагичи (500 та)	-	-	-	7 500	-	-	7 500	-	-	-	-	-	15 000
99	Тесторлар (100 та)	-	-	-	-	800	-	-	-	-	-	-	-	800
100	Детекторлар (100 та)	-	-	-	-	-	700	-	-	-	-	-	-	700
101	Мижозни идентификация қилиш тизими (Face control)	-	-	4 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4 000
102	Банкнотлар (300 дона)	-	-	-	2 897	2 897	2 897	2 897	2 897	2 897	2 897	2 897	2 897	26 075
103	Pos-терминаллар (5000 та)	-	10 500	-	9 600	-	-	-	-	-	-	-	-	20 100
104	Pin-pad клавиатурлар (1000 та)	-	-	2 000	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2 000
105	Бармоқ изи қурилмаси (200 та)	-	-	600	-	-	-	-	-	-	-	-	-	600
106	Картмаг (200 дона)	-	-	-	-	44 000	-	-	-	-	-	-	-	44 000
107	Банкнот хисоблагичи - 8 та ҳамёлик (5 дона)	-	-	1 650	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 650
108	АДМ (20 дона)	-	-	-	-	4 000	-	-	-	-	-	-	-	4 000
109	Сейф	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	305
110	Қуёш панеллари 24/7 (150 дона)	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	150	1 800

Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
111	Электрон навбат курилмаси (60 дона)	350	350	350	350	350	350	350	350	350	350	350	350	4 200
112	24/7 шахобчаларини конструкциялари (150 та)	-	-	2 398	2 398	2 398	-	-	-	-	-	-	-	7 195
113	Валюта курсларини кўрсатиш электрон додаси (181 дона)	190	190	190	190	-	-	-	-	-	-	-	-	760
114	MuVetG'i микозларнинг паспорти оркали идентификация қилиш (200 та) ускунасини харид қилиш	-	-	560	-	-	560	-	-	560	-	-	560	2 241
115	ВАНШлар учун термопринтер	-	-	-	-	300	-	-	-	-	-	-	-	300
116	Пул санаш машинкаси (250 дона)	-	-	7 250	-	-	-	-	-	-	-	-	-	7 250
	Трансформация харажатлари	113	113	15 512	-	-	6 553	-	-	7 828	-	-	7 447	37 567
117	Савдо ва хизмат кўрсатишнинг формат-сервис моделини яратиш (филиаллар, бўлинмалар, ролллар)	-	-	1 681	-	-	1 681	-	-	1 681	-	-	1 681	6 724
118	Трансформация офисини ривожлантириш, ўзгаришларни бошқариш функциясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш	-	-	981	-	-	981	-	-	981	-	-	981	3 922
119	Риск-функциясини ривожлантириш	-	-	374	-	-	-	-	-	-	-	-	1 744	2 117
120	Тавақалчиликка асосланган аудитни ривожлантириш Ички назорат ва комплаенс функцияларини ривожлантириш	-	-	1 328	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1 328
121	Бюджет тизимини ривожлантириш; Харажатларни назорат қилишни ишлаб чиқиш; Ҳазначилик ва ALMни ривожлантириш; Миллий Стандартлар ва МХХС ни тартибга солиш ва бошқариш ҳисоботларини автоматлаштириш; Трансферт нархларини шакллантириш тизимини ривожлантириш.	-	-	3 650	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3 650
122	Бизнес жараёнларини ривожлантириш ва стандартлаштириш	-	-	280	-	-	280	-	-	280	-	-	280	1 121
123	Бизнес жараёнларини марказлаштириш	-	-	1 051	-	-	1 051	-	-	1 051	-	-	1 051	4 202
124	Бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва BPM ни амалга ошириш, ERP бек офисини автоматлаштириш	-	-	590	-	-	590	-	-	590	-	-	590	2 362

Т/р	Харажат тури	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	жами 2023 йилда
125	DWH - KXД ва кенгайтирилган таҳлил тизимини яқшилатиш. Маълумотларга асосланган бизнес қарорларини қабул қилиш тизимини В1 жорий этиш	-	-	2 051	-	-	850	-	-	2 125	-	-	-	5 026
126	CRM тизимини жорий этиш СПКР (Кредит қарорларини қабул қилиш тизими) CRM+Кр.конвейер+Едина фронт-офис. платф (депозити, пласт. карты, ден.переводы) 1. Модуль CRM 2. Модуль Депозиты 3. Модуль Пластиковые карты 4. Модуль Кредитование физ.лиц 5. Модуль Кредитование юр.лиц 6. Мониторинг и учет проб.кредитов	-	-	2 292	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2 292
127	"ELMA 365" дастурий таъхминоти учун қўшимча 400 та лицензия харид қилиш	-	-	1 121	-	-	1 121	-	-	1 121	-	-	1 121	4 482
128	Битрикс 24 дастурини Сервис деск тизими асосида қайта дастурлаш	57	57	57	-	-	-	-	-	-	-	-	-	170
129	29 кунгача қарздолликни ундирувчи 29 автоматлашқан чиқувчи қўнғироқлар тизимини жорий этиш	57	57	57	-	-	-	-	-	-	-	-	-	170



Пруденциал меъёрларнинг бажарилиши

Пруденциал норматив номи	Марказий банк талаби	2022 йил режаси	01.01.2023 ҳолатига кўтиляётган	2023 йил режаси			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	2		3	4	5	6	7
1.1. Капитал етарлилик даражаси	мин 13%	17,6%	21,0%	19,1%	17,9%	16,8%	16,7%
1.2. Биринчи даражали капитал етарлилиги коэффиценти	мин 10%	16,7%	20,0%	18,2%	16,6%	15,0%	14,8%
1.3. Асосий биринчи даражали капитал етарлилиги коэффиценти	мин 8%	16,7%	20,0%	18,2%	16,6%	15,0%	14,4%
1.4. Левераж	мин 8%	20,9%	20,8%	18,9%	17,2%	15,6%	14,2%
2.1. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (жами)		99,7%	156,4%	142,2%	129,3%	117,5%	106,8%
2.1.1. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (миллий валютада)	мин 100%	108,4%	150,1%	136,5%	124,1%	112,8%	102,6%
2.1.2. Ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти (хорижий валютада)		110,3%	165,9%	150,8%	137,1%	124,6%	113,3%
2.2. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (жами)		108,0%	114,3%	103,9%	104,3%	107,0%	108,0%
2.2.1. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (миллий валютада)	мин 100%	115,8%	122,3%	111,2%	111,0%	110,9%	109,8%
2.2.2. Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (хорижий валютада)		87,3%	91,0%	101,7%	109,7%	110,7%	110,1%
3.1. Бир ёки гуруҳ қарздорларга бериладиган кредитлар бўйича таваккалчиликнинг энг юқори даражаси, таъминотли	макс 25%	20,3%	19,7%	17,4%	16,4%	16,4%	12,4%
3.2. Банклараро операцияларда бир ёки гуруҳ қарздор банклар бўйича таваккалчиликнинг энг юқори даражаси	макс 25%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
3.3. Бир ёки гуруҳ қарздорлар бўйича таъминотсиз активнинг энг юқори даражаси (банклараро операциялар бундан мустасно)	макс 5%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
3.4. Барча йirik таваккалчиликлар жами суммаси	макс 800%	15,5%	1,7%	1,7%	1,7%	1,7%	1,7%
4.1. Бир эмитент қимматбаҳо қозғаларига максимал инвестициялар миқдори	макс 15%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
4.2. Сотишга мулжалланган қимматли қозғаларга қилинган инвестициялар максимал жами миқдори	макс 25%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
4.3. Барча эмитентлар устас капиталга ва қимматбаҳо қозғаларига инвестициялар максимал жами миқдори	макс 50%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
5.1. Банк билан боғлиқ бўлган бир шахс бўйича максимал таваккалчилик даражаси	макс 25%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
5.2. Банк билан боғлиқ бўлган барча шахслар бўйича жами таваккалчилик даражаси, таъминотли	макс 100%	0,1%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
6.1. Банkning кўчмас мулкга жами инвестициялари	макс 100%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%